

БЎЛАЖАК ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТГА ТАЙЁРЛАШДА ИНТЕГРАТИВ ПРИНЦИПЛАР

Н.М.Ахмедова
Низомий номидаги ТДПУ
“Инглиз тили амалий курси” кафедра
ўқитувчиси (PhD)

Аннотация. Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитиш сифатини интегратив ёндашувлар асосида таълим сифатини ошириш шахсинг муваффақиятли ижтимоийлашуви ва жаҳон ҳамжамиятида ривожланишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, уни амалга ошириш механизмлари таълим жараёнига тадбиқ этилган назарда тутилган. Кадрлар тайёрлаш жараёнини интегратив ёндашувлар асосида халқаро стандартлар даражасида ташкил этиш, таълим мазмуни сифатини тили ўрганилаётган мамлакат маданияти билан ҳамоҳанглигини таъминлаш ҳамда педагогик, дидактик имкониятларини чет тилларни ўрганишнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш асосида кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Калит сўзлар: *узлуксизлик, интегратив ёндашув, ижтимоийлашув, педагогик имконият, дидактик имконият, амалиёт, интеграция, принцип.*

Аннотация. В статье рассматривается, что повышение качества обучения иностранным языкам в высшей школе на основе комплексных подходов является важной составляющей успешной социализации личности и развития в мировом сообществе, механизмы которой реализуются в образовательном процессе. Особое внимание уделяется организации учебного процесса на уровне международных стандартов на основе комплексных подходов, обеспечению качества содержания образования в гармонии с культурой страны, где изучается язык, и расширению педагогических и дидактических возможностей.

Ключевые слова: *преемственность, интегративный подход, социализация, педагогическая возможность, дидактическая возможность, действие, интеграция, принцип.*

Abstract. The article discusses that improving the quality of teaching foreign languages in higher education on the basis of integrated approach is an important component of successful socialization of the individual and development in the world community, the mechanisms of which are implemented in the educational process. Particular attention is paid to organizing the educational process at the level of international standards on the basis of integrated approaches, ensuring the quality of educational content in harmony with the culture of the country where the language is studied, and expanding pedagogical and didactic opportunities.

Key words: *continuity, integrative approach, socialization, pedagogical opportunity, didactic opportunity, action, integration, principle.*

Таълим ўз илдизларини илм-фан ва ишлаб чиқариш, ижтимоий турмуш, бир сўз билан айтганда, ҳаёт билан боғлай олган, ички ва турдош тармоқлар билан ҳар томонлама интеграцияга киришган тақдирдагина ўз олдига қўйган натижаларга эриша олади, фан, таълим-тарбия ва иқтисодиётнинг ўзаро чуқур, ҳар томонлама узлуксиз алоқасини таъминлай олган ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига татбиқ эта олган давлат эса тараққиётга эришади. Бу борада мамлакатимиз таълим соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли йўналишларини аниқлаш, айниқса, педагог кадрларнинг касбий малакалари ва билим савиясини узлуксиз юксалтириш энг долзарб масалалардандир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар тўғрисидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам долзарб масалалар қаторида илм-фан ва таълим, таълим ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт муносабатларига алоҳида урғу берилганлиги бежиз эмас. Модомики, таълим тизимининг марказида инсон капитали, уни тўғри тақсимлаш, ундан самарали фойдаланиш ва мақсадли йўналтириш турар экан, бунда мактабгача, умумий ўрта ва олий таълим тизимини жамиятнинг барча манфаатдор томонлари, таълим жараёнининг барча субъектлари билан яхлит бир бутунликда бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш ҳамда таълимнинг тўлиқ узлуксизлигига эришиш олдимизда турган муҳим вазифалардандир.

Педагогик интеграция педагогик назария ва амалиётнинг ривожланиш принципи сифатида илмий ва амалий фаолиятнинг ривожланиши замонавий босқичи хусусиятларини акс эттирадиган, уни амалга оширган ҳолда тобора юқори ижобий натижаларга эришишни кафолатлайдиган етакчи ғоядир. Интеграцияни принцип сифатида реализациялаш учун интеграция объектларини аниқлаш; ажратилган объектларни интеграциялашга кўмаклашадиган, шунингдек кўмаклашмайдиган омилларни ажратиш; “истеъмомолчи”ни ҳисобга олган ҳолда кутиладиган натижани шакллантириш зарур. *Жараён* сифатида педагогик интеграция объектлар ўртасида алоқаларни бевосита ўрнатиш ва кутиладиган натижаларга мувофиқ тарзда янги яхлит тизимни яратишдан иборат. В.С.Безрукованинг таъкидлашича, педагогик интеграция жараёни объектларни интеграциялаш, натижани олиш йўлларини лойихалаштириш процедурасидир. *Натижа* сифатида педагогик интеграция – объектлар, бир-бири билан ўзаро алоқага киришиб, эгаллайдиган шакл (интеграцияланган курс, интеграцияланган дарс, “фарқ бўлиш” технологияси, модулли ўқитиш ва бошқ.).

Педагогик интеграция функцияларининг тавсифига юқоридаги ёндашувга умуман қўшилганимиз ҳолди айтмоқчимизки, таълимда натижа ҳақидаги тасаввур интеграциянинг юқорида кўриб чиқилган тавсифлари, унинг ижтимоий аҳамияти ва ривожлантирувчи салоҳияти билан боғлиқ ҳолда янада сиғимли бўлиши мумкин.

Қатор муаллифлар фикрича, таълим мазмунини ташкил қилишнинг истиқболли шакли фанлараро алоқадорликни реализацияловчи

интеграцияланган дарслар ва курсларни жорий қилиш саналадики, улар интеграциянинг таълим амалиётида тобора кенг қабул қилинган типи ҳисобланади (В.А.Лазарева, Н.К.Чапаев ва бошқ.). Бу типдаги интеграциянинг дидактик аҳамияти классик педагогикада К.Д.Ушинский ишларида тобора тўлиқ асосланган. У фанлараро алоқадорликни турли ассоциатив алоқалардан: қарама-қаршилигига кўра, ўхшашлигига кўра, вақт тартибига кўра, вақт бирлигига кўра, ривожланиш, алоқа бирлигига кўра келтириб чиқарган, уларни реал олам предметлари ҳақидаги аниқ, тўлиқ ва ўзаро боғлиқ тасаввурларни яратиш шарти сифатидаги аҳамиятини таъкидлаган.

А.Я.Данилюк шу алоқадорликни реализацияловчи таълим тизимларини белгиловчи уста принципни шакллантиради: интеграция ва дифференциациянинг диалектик бирлиги; антропоцентризм; маданиятга мувофиқлик. Бу принциплар таълимни унинг фундаментал муносабатларида оптимал таърифлайди: интеграциянинг бирлиги принципи таълимнинг ўзини ўзи ташкил қилиш усулини ифодалайди; антропоцентризм принципи интеграл таълим тизимида ўқитувчи билан таълим олувчининг мақомини белгилайди; ниҳоят, маданиятга мувофиқлик принципи таълимнинг ўз маданий муҳитига муносабатини тавсифлайди. Шундай қилиб, учта принциптаълимни ташкил қилишнинг учта асосий: ички, инсоний, ташқи жиҳатини қайд этади.

Шу қоидани интеграция ҳақидаги тушунчага нисбатан қўллаб, А.Я.Данилюк қуйидагича фикр билдиради: предмет ҳақидаги тушунча – уни хаёлан қайта яратиш усули, фалсафий нуқтаи назардан тафаккур фаолият сифатида қаралади. Нимадир ҳақида тушунчага эга бўлиш уни хаёлан изчил қайта яратишга қодир бўлишдир. Шундай қилиб, тушунча тегишли ҳодисани қайта яратувчи ҳаёлий фаолият методи ва шакли. Тадқиқотчининг таъкидлашича, “тушунча – бу метод” тезиси таълимни интеграциялаш тушунчасининг асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлганларга аниқ ишора қилади.

Фалсафий, педагогик, методик адабиётларда интеграция моҳиятига турли ёндашувлар (В.С.Безрукова, М.Н.Берулава, В.Н.Максимова, Е.Н.Соловова, Т.Н.Щербакова ва бошқ.) таҳлили турли элементларни бирлаштириш учун ягона асос, тизим ҳосил қилувчи омилни излаш заруратини кўрсатади. *Тизим ҳосил қилувчи омил* («аҳамиятли компонент») интеграциянинг жараён сифатидаги энг муҳим характеристикаси ҳисобланади ва унга интеграцион механизмларни реализациялаш ҳисобига эришилади.

Интеграция объектлари амалда педагогик жараённинг исталган компонентлари, исталган ҳодиса ва предметлар: моддий ва идеал объектлар (тушунчалар, принциплар, ғоялар, концепциялар, назариялар); фаолият (усуллар, методлар, кўникмалар, малакалар, технологиялар); шахс (ҳолатлари, сифатлари, хусусиятлари, мотивлари) бўлиши мумкин.

Н.К.Чапаев интеграциянинг қуйидаги улар остида мақсадли вазифалари ётадиган йўналишларини ажратади:

- билиш предметини кенгайтириш ва чуқурлаштириш;
- кўп предметлиликни бартараф қилиш;
- мавзу (бўлим, бутун курс) ни ўрганиш вақтини қисқартириш;

- такрорланишларни бартараф қилиш;
- таълим технологиясини ўзгартириш;
- билиш предметини тор аспектда ажратишни бартараф қилиш;
- таълим олувчи шахсининг ривожланиши учун нисбатан мақбул шароит яратиш;



- роллар, ўйинлар, педагогик жараёнда у ёки бу инсонларнинг ёки компонентларнинг мавжудлиги педагогик ўлчамларини “тинч йўл билан” қайта тақсимлаш;

- таълим олувчилар ва педагогларнинг ривожланишини тезлаштиришни рағбатлаш.

Интеграция йўналишлари билиш ва педагогик жараёни ташкил қилишда таълим олувчилар ва педагогларда юзага келадиган реал эҳтиёжларни акс эттиради. Бу эҳтиёжлар, ўз навбатида, педагогик жараён қатнашчилари томонидан ўқув материални ўзлаштириш ва бериш давомида аниқланган қарама-қаршиликлардан келиб чиқади. Педагогик интеграция йўналишларининг анча тўлиқ таснифи Н.К. Чапаев томонидан тақлиф қилинган. Интеграциянинг танланган йўналишлари интегротив жараён таркиби ва структурасини белгилайди. Интегротив жараён таркиби деганда ўзаро алоқадорликка киришадиган ва янги яхлит бирликни ҳосил қиладиган объектлар йиғиндиси тушунилади.

Компонентларни тизимларда бирлаштириш ҳамма вақт улар орасида асосийсини белгилаш билан содир бўлади. Асосий объект бошқа компонентлар интеграцияланадиган муҳит, ёки янги бирикманинг етишмаётган компонентлар: белгилар, хоссалар, қисмлар билан кўшимчалилик принципи бўйича тўлдириладиган қисми, ёки бошқа интеграцияланадиган объектларга қандайдир компонентлар ёки белгилар кўчириладиган манба статусини олади. Уларни интеграциялаш изчиллиги (кетма-кетлиги) га кўра компонентлар иерархияланиши мумкин. Интеграция объектларининг ўзаро жойлашувига кўра улар янги интеграцион тузилманинг асоси сифатида маълум структурага жойлашади:

<p>А) интеграция объектлари занжир бўғинлари каби кетма-кет жойлашади:</p>		<p>Интеграциялаш механизмлари илмий адабиётларда структурага мувофиқ ва маълум технологик кетма-кетликда жойлашадиган интеграцияланадиган объектлар ўртасидаги алоқа ва муносабатлар сифатида тақдим қилинади.</p>
--	---	--

<p>Б) битта объект бошқалари учун алоқа воситаси бўлиб хизмат қилади</p>		<p>Алоқалар компонентлар ўртасида боғлиқлик муносабатларининг ўрнатилиши, у ёки бу объектларнинг асосий интеграторларидир.</p>
<p>С) бир объект бошқаларини ўз ичига олади:</p>		<p>Алоқа деганда интеграция объектларининг объектив мавжуд ёки мақсадли яратилган, ахборот ҳаракатини ва бир компонентнинг бошқасига таъсирини таъминлайдиган қўшилмалари тушунилади.</p>

Интеграцион тузилманинг ривожланган структураси

Таълимда интеграция ходисасини ўрганишда ўқув фанлари, фанлар ва билим соҳаларининг интегратив салоҳиятини аниқлаш катта қизиқиш уйғотади. Тадқиқотимиз учун В.А.Лазарева ва Р.В.Шчепкинанинг концепцияси эътиборлидир. Тадқиқотчилар томонидан таклиф қилинган гуманитар туркумда инсоншунослик асосида нотиклик (риторика) ва адабиёт интеграцияланади. Бу концепциянинг интегратив асоси сифатида тилларни бирлаштиришга тилшунослик ёндашуви хизмат қилади. Таълим курслари ва фанларни интеграциялашнинг тобора умумий асоси сифатида муаллифлар маданиятшунослик ёндашувини таклиф қилади. Мазкур танлов учун маданиятнинг ўзининг интеграл характери хизмат қиладики, олимларнинг фикрича, у, марказга инсонни қўйгани ҳолда, барча қўшилаётган даврларни бирлаштиради.

Чет тилини ўқитишда интеграциянинг турли аспектларини ёритишга бағишланган илмий, методик ишларни (И.Л.Бим, Г.А. Воробьев, Е.И. Пассов, Е.Н.Соловова ва бошқ.) умумлаштириб, интеграциядан фойдаланишнинг учта асосий вариантини кўрсатиш мумкин:

– биринчидан, таълимга таълим тизимининг назарий ва амалий, англашилаётган (билимлар тизими алоқадор) ва онг ости (қўникмаларни шакллантиришга қаратилган) компонентларини уйғун бирлаштиришда амалга оширилаётган ёндашув сифатида. Бундай ёндашувни реализациялашда ўқув жараёни қуйидагича ташкил қилинади: ўрганилаётган тил тизимининг аспектлари ҳақидаги билимларни ўзлаштиришдан нутқий автоматизмларга, ёки билимлар ва малакаларни (улар бир мунча илгарилари билан) параллел ўзлаштириш;

– иккинчидан, интеграция атроф оламни яхлит идрок қилиш билан боғлиқ таълим мазмунини ташкил қилиш принципи сифатида. Интеграцияни бундай тушуниш лингвомаданиятшуносликка оид тадқиқотларда акс эттирилган бўлиб, чет тилини шу тилда сўзлашувчи халқ маданияти орқали

ўзлаштиришни ёқлайди. Бунда кўп ҳолларда гап шунчаки фанлараро алоқадорлик эмас, балки тил, миллий маданият, ижтимоий роллар ва мулоқот стратегияларини тақдим қилиш ҳақида боради;

– учинчидан, ўқитишнинг интегратив методи сифатида. У онгли-амалий, фаол-вазирли ва аудиовизуал метод компонентлари, шунингдек, таълимни дастарлаштириш ва суггестия элементларини ўз ичига олади. Бу методни ишлаб чиққан Г.Крампиц қуйидаги қоидаларга асосланади: чет тили ўқитиш коммуникатив ва мамлакатшунослик йўналишига эга; ўқитиш гутқий фаолиятнинг барча турларида нутқий малакаларни комплекс шакллантиришга қаратилган; машғулотлар нафақат нутқий автоматизмларни ишлаш, балки билимларни шакллантиришни ҳам кўзда тутди.

Таҳлиллар кўрсатадики, таълим назарияси ва амалиёти учун фанлараро ва фан ичи, фанлар ва ўқув фанларининг “вертикал” алоқаларига асосланган тушунчаларга мурожаат қилиш одатийдир. Фанлараро муносабатларга қараганда интеграциянинг юқорироқ даражаси сифатида тадқиқотчилар трансфанлиликни (Бўлажак чет тил ўқитувчининг касбий тайёргарлиги мазмунини концептуаллаштириш асосида “горизонтал” алоқаларни ўрнатишни) тилга олади. *Трансфанлилик* тушунчаси анъанавий умумий педагогикада ва хусусий дидактикаларда кам қўлланади, бироқ у бошқа фанлар, жумладан, табиатшуносликда яхши маълум бўлиб, О.Н.Голубевой и А.Д.Суханова, Н.С.Пурьшевой ва бошқ. ишларида ўрганилган.

Бўлажак чет тил ўқитувчисининг касбий тайёргарлигида трансфанлиликни реализациялаш унинг мазмунини таҳлил қилиш ва структуралаш билан боғлиқ. Бўлажак чет тил ўқитувчиси таълимнинг стандарт мазмуни структурасида турли даражадаги билимлар мавжуд. Бир томондан, бу *билим-тавсифлар* ёки *эмпирик билимлар*: инсон ва унинг ривожланиш шартлари; касбий фаолият соҳаси, муайян предмет соҳаси ва ш.к. га оид маълумотлар жами. Эмпирик билимлар ўқитувчининг касбий меҳнатида ўрин тутадиган айрим қонуниятларни, жумладан, тарбия, ўқитиш, ўқитувчи касбий тайёргарлигининг махсус соҳаси саналадиган маданий ахборотни ўқитиш қонуниятларини қайд қилади. Касбий педагогик таълимда билимларнинг бу типи ўқув ахборотининг асосий массивини ташкил этади.

Интеграциянинг таълимда мавжудлиги объектив қонунияти замонавий илмий билиш қонунияти билан белгиланган ва интегратив ёндашув қоидаларида мустаҳкамланган, бу ёндашув исталган таълим тизимининг барча компонентлари бирлиги ва узвийлигини асослайди. Бу ёндашувнинг таълимда продуктивлиги унинг функциялари кўп маънолиги билан белгиланади: у принцип, метод, педагогик жараёнларни ташкил қилиш ва амалга ошириш, таълимда билиш феноменини тушунтириш воситаси сифатида ёритилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда Ўзбекистон реасубликаси Олий таълим Тизимини 2030 йилгача

ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-5847-сонли Фармони.

2. Безрукова, В.С. Педагогическая интеграция: сущность, состав, механизмы реализации / В.С.Безрукова // Интеграционные процессы в педагогической теории и практике: Сб. науч. Трудов.автореф. Дисс....канд.пед.наук. – Свердловск: СГИПИ,1999. – С. 3 – 25.

3. Данилюк, А. Я. Учебный предмет как интегрированная система /А.Я.Данилюк // Педагогика. – 1997. – № 4. – С. 24 – 28.

4. Лазарева, В.А. Пагубность многопредметности. Пути и принципы создания интегрированных курсов / В.А.Лазарева, Щепкина Р.В. // Русский язык и литература в средних учебных заведениях УССР. – 1991. – № 3. – С. 30 –31.

5. Малёв, А.В. Современные технологии в обучении иностранным языкам / А.В.Малёв // Теория и практика педагогической деятельности в условиях инновационного развития системы образования: Сб. статей. – М., 2008. – С. 182 – 185.